

МАВОРОУННАХРДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИНГ МИЛЛИЙ-ДИНИЙ АНЪАНАЛАРИ

Азизбек Амонов,

*БухДУ проректори, Социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Ушбу мақолада миллатлараро тотувликни жараёнлари ва шарқ ва айниқса, мавороуннахрда миллатлараро тотувликнинг миллий-диний анъаналари кенг ёритилган. Мақолада Ўзбекистонда миллатлар ва элатларнинг ўзаро алоқа маданияти, ижтимоий тотувликни таъминлашдаги муҳим омиллар илмий асосланган. Шунингдек, Мавороуннахрда ўша даврда миллатлараро муносабатлар барча соҳаларда ўзига хос услубда акс этиши, миллий-диний муносабатларнинг муҳим жиҳатлари очиб берилган

Калит сўзлар: Мавороуннахр, диний, миллат, элат, миллатлараро тотувлик, миллий тикланиш, миллий юксалиш, мултикультурализм, тинчлик, маданият, алоқа маданияти, эволюция.

Мавороуннахрда асрлар мобайнида тақдир тақозоси билан бошқа миллатлар ва элатлар: қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, араблар, турклар, ҳиндлар, афғонлар, яҳудийлар ва бошқалар билан ёнма-ён яшаб келди. Бу объектив ҳолат ўзига алоҳида диққат-этибор беришни, жамиятда ўзаро тотувлик, ўзаро ишонч, ўзаро ёрдам ва умуман сиёсий барқарорлик вазиятини яратиш учун иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий шарт-шароитларни таъминлашни тақозо этади. Бу ишда миллатлараро тотувлик маданиятини юксак даражада эгаллаган инсонни шакллантириш ва ривожлантиришнинг аҳамияти, ўрни ниҳоятда каттадир.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари ўзининг «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз» номи асарида буни қуйидагича ёритади. «Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди».¹

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. I-том. 2017 йил. 138-139 бетлар.

Миллатлараро тотувлик маданияти барча даражадаги миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг муҳим омилигина бўлиб қолмай, шу билан бирга инсон ва жамиятнинг маърифатли ривожланишининг мезони ва моҳияти ҳамдир.

Шунинг учун аждодларимиздан қолган маънавий мерос, урф-одат, анъаналар ва бошқалар фақат туб миллат аҳолисига эмас, балки шу ерда яшаб, истиқомат қиладиган барча этносларга бирдек хизмат қилади ва уларда ҳам бирдек фахрланиш туйғусини уйғотади.

Кўп миллатли республикамизда ўзаро тенг ҳуқуқликни таъминлаш, турли миллатга мансуб аҳолининг ўзига хос миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга шароит яратиш ва миллатлараро тотувликни тобора мустаҳкамлаб бориш ижтимоий-маънавий тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжихатлик тарихини ўрганар эканмиз, унинг диққатимизни ўзига тортадиган томонларидан бири, азалдан юртимиз кўп миллат ва элатлардан иборат эканлигидадир. «Мовароуннаҳр» атамаси арабчада «дарёнинг (яъни Амударёнинг) нариги томонидаги ер» маъносини англатиб аввалига ҳақиқатан ҳам Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ерларга, кейинчалик эса асосан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғидаги маконга нисбатан ишлатила бошланган².

Тарихдан маълумки, юртимиз худудида туркий элатларга мансуб ўзбеклар, уйғурлар, қорлуқлар, чигиллар, яғмолар, тўхсилар, тургашлар, аргулар, ябақулар, ўғизлар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқалар нафақат Шарқий Туркистон ва Етгисув кенгликлари бўйлаб, балки шунингдек, Фарғона, Шош воҳаларида, Туркистоннинг бошқа худудларида ҳам истиқомат қилганлар. Шунингдек, қадимдан ўзбеклар билан бир қаторда худудимизда тожиклар, эронийлар, афғонлар, ҳиндлар, хитойликлар ҳам истиқомат қилиб келган.

Араб истилосидан сўнг Мовароуннаҳрга кўчиб келган ва шу ерларда яшай бошлаган араблар дастлаб Бухоро ва Қашқадарё томонларда ўз қишлоқларини ташкил қилган. Ҳозирги кунда ҳам бу арабларнинг авлодлари шу худудда яшаб келаяпти.³

VIII аср бошида арабларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши маҳаллий аҳоли этномаданий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Араблар Турк ҳоконлигидан сиёсий ҳукмронликни тортиб олдилар. Араблар маҳаллий халқлар таъсири мавқеини синдириш учун Мовароуннаҳрни эронликларга яқинлаштириш сиёсатини тутдилар. Араблар бу даврда Марказий Осиёга VIII-IX асрларда арабий ва эроний оилаларни кўчириб келтириб жойлаштириш сиёсатини

² Азамат Зиё. «Ўзбек давлатчилиги тарихи» китоби. Т.; «Шарқ» нашриёти, 2001. 92-б.

³ Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т.; «ЎАЖБНТ», 2001. Б 33.

юрғизганлар. Бу даврга келиб турклар ўз таъсирларида фақат Етгисувда сақлаб қолганлар⁴.

Аммо, X асрнинг охирларида туркий этник қатламнинг Мова-роуннаҳрдаги мавқеи янада кучайди. Қорахонийлар давлати таркиб топиб, бу давлат 999 йили Мовароуннаҳрни ҳам эгаллади. Қорахонийлар давлатида туркий тил ҳукумрон тил бўлди. Кейинчалик туркий тиллар шу тил асосида равнақини Маҳмуд Қошғарий таърифлаб «энг очик ва равон тил» деб айтган.⁵

Дашти Қипчоқ яъни, «Қипчоқ чўли»да асосан туркий халқлар яшаган. Чингизхон босқинидан сўнг, бу ерларга унинг катта ўғли Жўчи ҳукмронлик қилган. Деган атама Эронга тил жиҳатдан фарқ қилувчи этномаданий ҳудуд сифатида XIII асардан бошлаб кенг ёйилганини асослаш мумкин.⁶

XVI асарнинг бошида Чингизхоннинг катта ўғли Жўчининг авлоди Шайбонийхон Мовароуннаҳрни, 1504-1506 йилларда Хуросон билан Хоразмни забт этган. Бу йилларга келиб Мовароуннаҳрда форсий тил ўрнига туркий тилларнинг бош бўғини бўлган ўзбек номи кенг тарқалди. Келиб қўшилган қатлам бу ердаги яхлит қатламдан нуфузи жиҳатдан оз бўлган.⁷

Айни шу даврда Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мовароуннаҳр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ туркий аҳоли билан уйғунлашиб кетган ва барча аҳоли ўзини ўзбек деб атаган. Тарихий манбаларда «ўзбек» сўзи «эркин», «мустақил» сўзидан келиб чиқиб, ўзбеклар сифатида тилга олинган.⁸ Дашти қипчоқ ҳудудларидан кўчиб келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли урф-одат ва анъаналарига сингиб кетганлар.

Ўтмишда турли номлар Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон, Қипчоқ дашти, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталган. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий суғдийлар, қанғлар, бактрийлар, хоразмийлар, доволликлар, саклар ва массагетлар ташкил этади. Барча туркий давлатларда ўзбек тили расмий давлат тили бўлиб келган. Олтин ўрда давлатида ўзбек тили 300 йилдан кўпроқ давлат тили бўлиб келган. Олтин ўрдага тобе барча славян рус князларига топшириқ ва буйруқлар ўзбек тилида юборилган ва ижро ҳам ўзбек тилида қабул қилинган. Турли даврларда бу ҳудудларга кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўзининг кучли таъсирини ўтказган.⁹ Ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли мавқеига нисбатан четдан келган босқинчи

⁴ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 6-сон. 1998 йил

⁵ Ўша манба.

⁶ Ўсмонов Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 1 китоб. Т.; 2001 йил

⁷ Ўша манба.

⁸ Шониёзов Қ. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т, 2001 йил

⁹ Ўша манба

қавмлар мавқеи устун бўлган. Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг имло ёзуви уч марта ўзгартирилгани фикримизнинг исботидир. Шунга қарамай, икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган турли халқлар, хусусан, туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқининг этник таркибий қисми сифатида қатнашган.¹⁰

Ўтмишга назар ташласак, ўзбек тили қорахонийлар давридан бошлаб расмий алоқа тили бўлгани Чингизхон босқинидан кейин эса чигатой лаҳжаси замонавий ўзбек тили тараққиётининг босқичларидан бири бўлган.¹¹

Россия империяси даврида кейинроқ комунистлар бошқарган даврда ҳам империяни асраб қолиш учун турли миллатларни бир-бирига душман қилиш мақсадида ўзбекларни икки дарё оралиғига келгинди қилиб кўрсатишни тарихан исботлашга ўриниш ва омма онгига сингдиришга ҳаракат қилинган.¹²

Шу боисдан ҳам ўзбек халқининг Мовароуннаҳрда миллатлараро тотувлик муносабатларини интеграциялаштирувчи мавқеини исботлаш учун қуйидаги йўналишларни асослаш ўринли:

1. Мовароуннаҳрда худудида буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Мансур Мотуридий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Каффол Шоший, Бурхонниддин Марғиноний, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбандий, Мирзо Улуғбек Алишер Навоий каби кўплаб сиймолар дунёни илм-маърифат, эзгулик, инсонпарварлик орқали дунёни англаш ғояларини турмуш тарзига сингдириш борасида буюк хизматлар қилганликлари;

2. Мовароуннаҳрда миллатлараро мулоқот маданияти, миллат ва элатларнинг бири-бирига яқинлаштиришга хизмат қилувчи барча соҳада илмий асосланган асарлар, китобларнинг яратилганлиги;

Биргина ватандошимиз, Абу Али Ибн Сино фалсафа, мантиқ рухшунослик, адабиётшунослик, шеърият, мусиқа, геология, минерология, физика, математика, тиббиёт, астрономияга оид юзлаб асарлар яратди. Хусусан, Беруний социологиядаги муҳим соҳа – ижтимоий табақалашув тўғрисида фикр юритиб, шундай дейган: «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланиши ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган».¹³ Мавороуннаҳрда юқорида эътироф этилган буюк алломалар томонидан яратилган асарлар келгуси авлод – турли миллат ва элатлар вакиллари ўз халқи тарихи, халқининг урф-одатлари, маданий меъросини ўрганиш, ўзлигини англаш, ўзаро мулоқот

¹⁰ Ўша манба

¹¹ Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941. С. 1, 12, 13.

¹² Қаранг: История Узбекской ССР. Т. 1. Книга первая, 1955, с. 255, Таджики, с. 345.

¹³ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, 1-том, 231-бет

маданияти ва тотувлик муносабатларини шаклланиб, ривожланишига хизмат қилган.

3. Миллатлараро тотувликнинг таъминланишида Моваронуннаҳрдаги турли миллат вакиларининг маданиятлараро ҳамкорлиги, диний бағрикенгликка таянувчи муносабатлари, ҳунармандчилик, санъатнинг ривожланишига устувор аҳамият берилиши;

Ислом динида миллатлараро тотувликка кенг ўрин берилган мазкур масалани чуқур ўрганган швейцариялик шарқшунос олим А.Мец ўзининг 1922 йилда чоп этилган «Мусулмон уйғониш даври» китобида ишончли кўрсатиб берди. «Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, – деб ёзган эди А.Мец, – мусулмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради».¹⁴

Мовароуннаҳрда санъат орқали ҳам миллат ва элатларни тотувлигига эришишга катта эътибор қаратиб келинган. Абу-Бакр Рубобий IX аср охири X аср бошларида даврининг моҳир ва машҳур созанда ва хонандаси бўлган. Бухорода мусиқа мактаби очган, ушбу соҳада қўлланмалар яратган. Айрим маълумотларга кўра шу мактабда Рудакий ҳам таҳсил олган¹⁵. Ўша даврларда Хоразмшоҳ саройида яшаб ижод этган, ҳамда Мавороуннаҳр ва Хуросоннинг халқ кўшиқларини зўр маҳорат билан ижро этганларга «Мутриби Мавороуннаҳр» унвони таъсис этилган. Бу унвонга энг биринчи Абубакр Рубобий сазовор бўлган¹⁶.

Халқимиз характерининг узвий жиҳати бўлган бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик, турли миллат ва дин вакилларининг юртимизда ҳамкорлик ва осойишталикда яшашига имкон берган. Шу боис, Ўзбекистон ҳудудида бирор маротаба ҳам конфессиялараро, диний эътиқодлараро низолар рўй бермаган. Ана шундай тотувлик тарихидан ҳайратланган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маърифий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир»¹⁷, – деб айтган.

Дарҳақиқат ватанимиз илк диний қараш ва тасаввурлар шаклланган энг қадимий маданий замин бўлган. Тешик-Тош ғорларидаги қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тепанинг тош ўйма топилмалари, Далварзинтепа ва Сугдиёна қолдиқларида ҳамда ҳозирда мазкур фикримизни исботини ўзбек

¹⁴ Мец А. Мусульманский Ренессанс // Перевод с немецкого, предисловие и указатель Д.Е. Бертельса. – М.: Изд-во ВиМ, 1996.

¹⁵ Ўша манба.

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Ўша манба.

архиологлариининг француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда амалга оширган ишларини дунё жамоатчилиги билди.

Ҳатто, VIII асрда Марказий Осиёнинг исломлаштириш юз берганида ҳам аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Марказий Осиё халқлари томонидан қабул қилинган. Бу ерда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришиши юз берди. Марказий Осиё халқлари ислом динига маҳаллий диний-ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий нормалари ва урф-одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳрда бу ҳолат исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди.

Биринчи Президент таъкидлаганидек, турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам¹⁸.

Дарҳақиқат, Амударё ва Сирдарё оралиғи географик ҳолатининг қулайлиги нуқтаи назардан ҳам Хитой, Греция, Турк, Ҳиндистон маданиятларининг ўзаро фаол ҳамкорлик қилишига имкон туғдирди¹⁹.

Ватанимизда иудаизм дини амал қилгани ва яҳудийлик дини вакиллариининг истиқомат қилиб келганини ўзбек халқига хос бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабрбардошлиликнинг юксак намунаси дейишга ҳақмиз. Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакилларида бири Р.Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб «Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди»²⁰, – деб ёзади.

Муқаддас китоб Қуръони каримда инсонларнинг дини, ирқи, миллатидан қатъи назар ўзаро тинчлик, тотувлик, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда қилишлари зарурлиги айтилган: «Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир».²¹

¹⁸ Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 31.

¹⁹ Мирзаев Р. Фердинанд Рихтгофен – “Буюк Ипак йўли” атамасининг асосчиси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. № 2 (25). – Б. 42-45.

²⁰ Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия // Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. – Ташкент, 2002. – С. 125-126.

²¹ «Хужурот» сураси, 13-оят. (Қаранг: Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004.

Инсониятнинг бутун тарихида эришган энг яхши ютуқларини ўзига мужассамлаштирган ўзбек маданияти нафақат ислом маданиятининг кейинги ривожига, балки Ғарб ренессансига, умумжаҳон миқёсидаги толерантлик тамойиллари ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Амир Темур даврида яшаб фаолият юритган архиепископ Иоанн ўзининг «Memoire sur Tamerlan et sa cour» китобида Амир Темур шахсининг характерли жиҳатларини қайд этади: «Темур ажнабий савдогарларни, хусусан, франк ва насронийларни яхши кутиб олади, уларга бутун юрти бўйлаб хавфсизлик, ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатади». Дарҳақиқат, бундай фазилатлар буюк Темур томонидан ёзилган. Темур тузуклари китобида унинг ўзи томонидан ҳам тасдиқланган.

«...турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менга нисбатан хайрихоҳлик қилган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Кимки менга дўстлик қилса кадрладим, дўстлигини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим»²², дейилади. Ушбу манбада келтирилишича, Амир Темур даргоҳига паноҳ истаб келган турли миллат вакиллари ва ҳар хил тоифадаги кишиларнинг ҳурмати ўз ўрнига қўйилган, истаб-талаблари қондирилган, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турилган, касб-хунари, тоифаси, қурбига қараб эҳтиёжлари таъминланган²³.

Демак, фалсафа фанлари доктори И.Хўжамуродов айтганидек, дин ва этноснинг ўзаро алоқадорлиги этнос ва диннинг параллел ривожланишида, диний ва миллий ўзига хосликнинг айнанлаштирилишида яққол намоён бўлади.²⁴ Дин ўзининг интегратив функциясининг кучлилиги билан ажралиб туради. Динларнинг полэтник характерга эгаллиги шароитида эса бу ниҳоятда катта миқёсда намоён бўлади.

Айни вақтда америкалик таниқли олим С.Хантингтон фикрича, бу жараён кишиларнинг ўзлигини англашининг муайян жой билан эмас, балки юқориқ – диний бирликлар даражаси билан боғлиқ ҳолда кечаётганида яққол кўринмоқда.²⁵

Таъкидлаш жоизки, бу жараён барча конфессиялар ичида кузатилмоқда. Буни далили сифатида, ўлкамиздаги ноисломий конфессиялар ўзгаришларида кўришимиз мумкин. Дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, 2020 йил январь ҳолатида эса юртимизда 16 та диний конфессияга мансуб 2242 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Тошкент ислом институти, «Мир Араб» Олий

²² Темур тузуклари. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 77-бет.

²³ Ўша манба

²⁴ Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него Ислама. Автореф. дисс. доктора филос. наук. – Т.: 1994 – с. 21-22

²⁵ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. // «Полис», 1994. №1. –с.35

мадрасаси, 9 та ислом ўрта махсус таълим муассасаси, 2 та христиан семинарияларида мутахассислар тайёрланмоқда.²⁶

Ноисломий конфессияга мансуб Ўзбекистон фуқаролари хорижга чиқувчи диндорлар учун яратилган барча имтиёзлар тўлиқ фойдаланмоқдалар. Академик А.Саидовнинг таъкидлашича, ҳар йили 120 дан ортиқ ноисломий конфессия вакиллари Исроил, Греция ва Россиядаги муқаддас жойларга зиёратга бормоқдалар.²⁷

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашда турли омил ва воситаларнинг мақсадли миллий-диний жараёнларнинг инсонпарварлик руҳида кечиши, этник муносабатлар, ижтимоий ҳаёт, кадрият ва анъаналарга позитив муносабатнинг шалланишига ва ривожланишига кенг имконият яратмоқда

²⁶ Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар: Республика илмий-амалий анжумани материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент, 2019. 114-бет

²⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин – Солиқ. Таҳрир хайъати А.Абдувохитов, А.Азизхўжаев, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 2004 – 704б. 501-502 б.